



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 10 » август

№ 471

Toshkent sh.

### **“Papenburg Uzbekistan” Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасини ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобиль йўлларини куриш ва улардан фойдаланиш соҳасида ишларни ташқил этишнинг илғор хорижий услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 27 ноябрдаги ПҚ–4035-сон ва “Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПҚ–4145-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси (кейинги ўринларда – Қўмита) ва “GP Günter Papenburg AG” компанияси (Германия) ўртасида Ўзбекистон Республикасида йўл курилиши учун асфальт-бетон қоришмалар, тайёр бетон буюмлар ишлаб чиқариш, шунингдек, Германия технологиялари ва асбоб-ускуналарини қўллаган ҳолда, курилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Papenburg Uzbekistan” қўшма корхонасини (кейинги ўринларда – “Papenburg Uzbekistan” МЧЖ) ташқил этиш тўғрисида битим имзоланганлиги;

#### б) “Papenburg Uzbekistan” МЧЖ устав фонди:

30 фоизи – Қўмита таркибидаги “Трансйўлкурилиш” ДУКнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ўтказилган 1 714 286 евро эквивалентидаги пул маблағлари;

70 фоизи – “GP Günter Papenburg AG” (Германия)нинг “Papenburg International GmbH” компанияси бир йил давомида ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан камида 4,0 млн евро миқдоридagi тўғридан-тўғри инвестицияси ҳисобига шакллантирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бир ой муддатда “Papenburg Uzbekistan” МЧЖ билан Қўмита таркибидаги “Тошкент кўприклардан фойдаланиш” унитар корхонанинг Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Порлоқ кўчаси 14-уй манзилида жойлашган бино

